

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 1 DEKABR, SESHANBA, 141 (7602) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Bahol kellehlgan narxda.



Пойтахтимиздаги Киночилар уйида Республика Хотин-қизлар кўмитаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятини ривожлантириш" қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Аёлни улдузлаб" мавзудаги миллий кино ҳафтаси бошланди.



Макарон цехи учун Днепропетровск шаҳридан 170 минг АҚШ долларига ускуналар келтирилди. Бу ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Омехта ем ва макарон цехини замонавий ускуналар билан жиҳозлашда хорижлик мутахассислар ҳам қатнашганлиги алоҳида аҳамият касб этди.



Қавс оғи бошлангач, ҳаво бирдан совиб кетди. Лекин йилқилар орасидаги бўз байтал уюрга ҳадсиз ўрғанавермас, безовталаниб қишнар, депойнар ва тўдадан четроқда юрадиган олат чиқарди. Бу ҳол жамфа аъзоларини анча бесаранжом қилиб қўйди.

Сурдари Вилояти



БИРИ БИРИДАН КЎРКАМ ВА ШИНАМ

Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қишлоқ аҳлининг ҳаёт тарзини янада яхшилаш йўналишидаги сўй-ҳаракатларда дастуриламал бўлаётди.

Сурдари вилоятининг Сурдари, Сардоба ва Бойвот туманларида ҳам уй-жой қурилиши қизғин бошлаб юборилди. Чунинчи, Бойвот тумани Деҳқонobod қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қаропчи маҳалласида шу йилнинг ўзида 20 та тўрт хонали уйни қуриб топшириш режалаштирилган. Лойиҳада кўзда тутилган 15 гектар майдонда жами 113 та бир қаватли уй-жой, алоҳида гузар, мактаб, деҳқон бозори ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади. Уй-жойлар қурилишида янги вақтда 10 дан ошқ ташкилот жамоалари самарали меҳнат қилаётди. "Қушон-У", "Али-Гулистон қурилиш", "Меҳр гуллари" қурилиш ташкилотлари жамоалари бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: қурилиш жараёнидан лавҳалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Фанлар академияси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар ҳамкорлигида Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган "Истиқлол: ислоҳотлар моҳияти, тараққиёт ва демократия" мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Мухаммадиев, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожи-матов, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Ахмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг куч-қудратини ва иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, тинчлик ва тотувлик жамиятимиздаги меҳр-оқибат, бағрикенглик муҳити муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг тили ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш масалаларига улкан эътибор бериллаётди.

Бугунги кунда юртимизда бир юз элликка яқин миллий маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Бир оила фарзандларидек истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари урф-одат ва аънавлари, қадриятларини ас-

раб-авайлаш, янада равнақ топтириш, ёш авлодни эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик руҳида тарбиялашга, уларда фаол фуқаролик позициясини қарор топтиришга ушбу марказлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётди.



Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавлари ҳурмат қилиниши таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 4-модда)

Анжуманда Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз, виждон эркинлигининг конституциявий асослари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, Ўзбекистон Конституцияси — диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлик таъминланишининг кафолати каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шу кун Аlisher Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида "Ўзбекистон — умумий уйимиз!" фестивали бўлиб ўтди. Унда санъат усталари, юртимизда фаоли-

ят кўрсатаётган миллий маданият марказларининг концерт дастури ҳамда тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси намойиш этилди.

Фестивалнинг очилишида кўпмиллатли мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқимиз, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтириш, барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида барча миллат ва элат вакиллари фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Бу жиҳатлар маданият, санъат, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам ўз таъдирини топмоқда. Зеро, барқамол инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг қадр-қиммати, аҳамияти шу табарруқ дидоримиз — Ўзбекистон заминиде истиқомат қилаётган, уни ўз Ватани деб биладиган ҳар бир фуқарога дахлдордир.

— Ўзбекистонда ўсиб улғайдим, таълим олдим, касб-хунар эгалладим, оилани бўлдим, ижодкор сифатида элга танилдим, — дейди мусаввир Светлана Цой. — Шу азиз замин мен учун муқаддас юрт, жонажон Ватандир. Шундай экан, азиз Ватанимизни асраб-авайлаш, шон-шухратини оширишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



Республика мусика ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатиде "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзуда учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда илгор педагоглар, ҳуқуқшунос олимлар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида "Ёшлар — ОИТСга қарши" мавзуда республика семинари бўлиб ўтди. Семинарда юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бу иллатнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг ижтимоий фойдаланиш меконида спорт билан мунтазам шуғулланишнинг таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказида 2010-2011 ўқув йилига умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ва "Китоб байрами" бошланди.

Қашқадарё Вилояти

ҚИШДА ҲАМ ЁЗДАГИДЕК

Деҳқон бозориде тўкинчилик бўлади

Бозор расталарининг қишда ҳам ёздагидек сархил маҳсулотларга сөрөб бўлишини таъминлаш мақсадида "Қосон деҳқон бозори" МЧЖ жамоаси қиш мавсумига пухта тароддуд кўриб қўйди. 400 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жамғарилди.

— Қиш учун маҳсулот сақландиган 14 та омборхона мажид, — дейди МЧЖ раиси Баҳодир Маҳмудов. — Шунингдек, бозорда ха-

ридорлар ва сотувчиларга шароит яратиш мақсадида "Узғирпросу" қурилиш-лойиҳа институти томонидан 46 та тургун савдо шохоб-

часи чизмалари тайёрланди. Шунинг ўнтаси Янги йил байрамигача, қолган 36 таси "Наврўз" умум-халқ шодиёнасигача қурилиб ишга туширилади.

Бозорда кенг қўламда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Электр линиялари, иситиш ускуналари қайта кўриб чиқилди. Яқин кунлар ичида уч минг квадрат метр майдонга замонавий ғишларни териш ишлари бошлаб юборилди. Тадбиркорлар кучи билан жорий йилда 14 та савдо шохобчаси бунёд этилди. Бунинг учун 320 миллион сўм маблаг сарфланди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

УЛУҒ БОБОМИЗ МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ

Париж шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Анжумон Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси ва ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси, Франция астрономик жамияти ва Париж астрофизика институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Улуғ алломанинг илмий мероси бағишланган халқаро конференцияда кўплаб хорижий мамлакатлардан олим ва мутахассислар, Париждаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Мингдан зиёд юлдуз ҳаракатининг астрономик жадвали — Зижи Кўрагонийни яратган, расадхона ва мадрасалар бунёд этган Мирзо Улуғбекнинг жaxon илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан 1994 йил

"Мирзо Улуғбек йили" деб эълон қилиниб, аллома таваллудининг 600 йиллиги халқаро миқёсда, жумладан, ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида кенг нишонланган эди.

Конференцияда буюк бобомиз Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг

турли жиҳатларига, жумладан, Зижи Кўрагонийнинг жaxon илм-фани ривожига тугган ўрни, Европада буюк алломанинг илмий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, Мирзо Улуғбек давридаги таълим тизими ҳамда мутафаккирининг ҳаётига доир маърузалар тингланди ва муҳамама қилинди. Ўзбекистонда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Мирзо Улуғбек фаолиятининг барча жиҳатларини, илмий мероси-

ни чуқур тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар қилингани ва бу жараён изчил давом этаётгани қайд этилди.

— Парижда ўтган маъмур нуфузли анжуман жaxon миқёсда, жумладан, Европада, буюк бобомиз Мирзо Улуғбекнинг илмий ва маънавий меросига қизиқиш гоят катта эканлигини яна бир бор намоён этди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти директори Ш.Эгамбердиев. — Бу мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишларнинг юксак самараларидандир.

(ЎЗА)

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агроеанот комплекси таркибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғоёвдекадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсанот", "Ўзгросуғурта", "Ўзвиносанот-холдинг", "Ўзбекенилсанот", "Ўзқишлоқхўжаликмаъшизинг" компаниялари, "Ўзпахтасанот", "Ег-мой ва озик-овқат сановати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзгросмашсервис", "Ўзғўштсўтсановат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеоорология" бош бошқармаси, Агроеанот ходимлари касоба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдон", "Сифат" маркази

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтқавиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

"Qishloq hayoti" ва "Hayot" бирлигида — 144

"Hayot" — 145

ЭЛ РИЗҚИ ДАХЛСИЗ

УНГА ХИЁНАТ ҚИЛГАНЛАР ҚОНУНГА МУВОФИҚ ЖАЗО ОЛИШЛАРИ МУҚАРРАР

Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш — бу соҳадаги ислохотларни амалга оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Аграр секторда қонунчиликка сўзсиз риоя этилишига эришиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг доимий эътиборида турибди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўн ойида ўтказилган текширишлар натижасига кўра қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 217 та протест киритилди, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаш юзасидан 726 та тақдимнома берилди. Кўпол қонунбузилиш ҳолатлари буйича 40 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, 1889 нафар шахс маъмурий, 931 нафари моддий, 747 нафари эса интизомий жавобгарликка тортилди.

Минерал ўғитларнинг мансабдор шахслар томонидан талон-торож қилиниши, экин майдонларидан ўзбошимчилик билан фойдаланиш, хизмат вазифасига совуққонлик билан қараш оқибатида давлат ва жамият манфаатларига зарар етказишдек жиноятлар содир этилаётгани ташвишлидир. Оқунбобоев туманидаги "Қосимов Сардорбек орзулари"

фермер хўжалиги раҳбари А.Отабоев 2,2 тонна минерал ўғитни экин майдонларига солиш ўрнига, бошқа фуқароларга сотиб, талон-торож қилиб юборган. У шунча миқдордаги "Супрафос" ўғитини гўёки экин майдонларига сарфлаганига ҳақида сохта далолатнома тузиб, жиноятини яшироқчи бўлади. Нафсини жинговлай олган А.Отабоев бошқоқли донни озиклантириш учун зарур бўлган 1,3 тонна аммиакли селитра минерал ўғитини ҳам нақд пулга сотиб, қинғир ишини яшириш мақсадида ўғитни 7,6 гектар галлазорга сарфлаганига ҳусусида қалбаки "ҳужжат" тузади. Виждонига хиёнат қилган фермер А.Отабоев суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Фермерлик ҳаракати бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати моҳиятини тўғри англаб етган фидойий инсонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ҳосилдорликни ошириб, давлат буюртмасини ор-

тиги билан бажариб, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлиб юрган бир пайтда айрим масъулиятсиз, аниқроқ айтадиган бўлсак, виждонсиз фермерлар эл ризқиغا хиёнат қилиб, кўпол қонунбузилишларга йўл қўйишмоқда. Шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиб, зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашмоқда.

Олтириқ туманидаги "Муҳаммад Маматқул файзи" фермер хўжалиги раҳбари Л.Мусурмонқулов 2009 йил ҳосили учун экинган 5,34 гектар пахта майдонини бузиб ташлаб, ўрнига ўзбошимчилик билан полиз экинлари эккан. Оқибатда давлатга топширилиши лозим бўлган 10 тонна 88 килограмм пахта хомашиёни етиштирилмаган. Устига устак 9,4 гектар ер майдонига бошқоқли дон экиш ўрнига, бу майдондан бошқа мақсадларга фойдалангани туфайли давлатга 21,6 тонна бошқоқли дон етказиб берилмаган. Давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказгани учун Л.Мусурмонқулов жиноий жавобгарликка тортилди.

Бувайда туманида ҳам шундай қинғир йўлни танлаган фермерлар топилди. "Рухона Баҳор" фермер хўжалиги раҳбари А.Су-

манов чигит экинган 4 гектар майдонни бузиб ташлаб, ўрнига шולי экиб олади. Давлат томонидан банк орқали ажратилган имтиёзли кредит ва маҳсулотлар ҳисобига 5 миллион 371,6 минг сўм миқдорда моддий зарар етказилади. У ҳам суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

"Давуруғназорат" инспекцияси ходимлари ва Риштон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараб келганликлари оқибатида 19 та фермер хўжаликларидида сифатсиз бугдой уруғи экиб юборилди. Бунинг натижасида 363 тонна уруғлик етиштириш мақсадида олинган бугдойларнинг сифати пайсайиб, "Суперэлита" навидан "R-1" навига, 250 тонна уруғлик дон эса товар донга ўтказилди. Бундай совуққонлик оқибатида давлат манфаатларига 105,2 миллион сўмлик зарар етказилган. Мазкур қонунбузарлик ҳолатига йўл қўйган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими катта мутахассиси Р.Султонов ва "Давуруғназорат" инспектори О.Холбоевлар суд ҳукми билан жавобгарликка тортилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Риштон туманидаги "Ҳамидул-

ло келажак боғи" фермер хўжалиги раҳбари Х.Йигиталиев ҳам пахта экилиши лозим бўлган 14,1 гектар майдонга ўзбошимчилик билан шולי, полиз ва бошқа экинлар экиб, ўз манфаатини кўзлаб иш тутди. Шунча майдонда пахта етиштиришдан бош тортиди. Оқибатда давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилди ва бу қилмиши учун Х.Йигиталиев ҳам суд ҳукми билан жазога тортилди.

Олиб борилаётган назорат тадбирлари давомида минерал ўғитлар таъминоти қорхоналарида маҳсулотларнинг сақланиши ва ундан фойдаланилиши қонунийлигига алоҳида эътибор қаратилиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши таъминланмоқда.

"Қишлоқхўжалиқимиз" акциядорлик жамияти Кува тумани филиали раҳбари Р.Араббоев ҳам эл ризқига, қолаверса, мансаб вазифасига хиёнат қилиб юзи қаро бўлди. У оғир моддий зарар етказганда ҳам вилоят ички ишлар бошқармаси пост патрул хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси катта инспектори Х.Салимовлар билан ўзаро тил бириктириб, қинғир ишга қўл уради. Марказий оғирдаги 6 тонна ам-

миакли селитра минерал ўғитини сохта юк хати билан акциядорлик жамияти филиалининг 4-шоҳобчасига расмийлаштириди.

Ўғитни фуқаро М.Нишонов бошқарувидаги "МАЗ-554" русумли 15 АИ 209 давлат белгили юк машинасига юклаб, Х.Салимов кузатувидан Новкент қишлоғида жойлашган Б.Сиддиқов мудирлигидаги оғирга олиб боришиб, 2 тоннасини номаълум шахсларга сотиб юборди.

Ўзи жиноятчиликка қарши курашишга масъул бўлган ҳолда жиноят содир этган ички ишлар ходими Х.Салимов суд ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. "Қишлоқхўжалиқимиз" туман филиали бошлиғи Р.Араббоев ҳамда оғир мудирини Р.Сиддиқов эса ҳар бири 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорда жазима жазосига тортилди.

Ўқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини жаҳон андозалари даражаларига олиб чиқиш нақадар муҳим бўлганига қарай амак қилиш шу қадар аҳамиятлидир. Кимки эл-юрт нарисига чангал солса, кўпчилик ризқига хиёнат қилса, жазога тортилиши муқаррар эканини асло унутмаслик керак.

Ўқтам ПУЛТОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлими бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Ўзбекистон" Миллий агентлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий ва маънавий ривожлантириш" қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Айли улуғлоқ" мавзусидаги миллий кино ҳафталиги бошланди.

МИЛЛИЙ КИНО ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Тадбирнинг очилишида "Ўзбекино" Миллий агентлиги бош директори вази-фасини бажарувчи А.Исҳоқов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М.Зуфарова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳамалигида хотин-қизларнинг жамиятдаги мақоми янада ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлашди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур кино ҳафталигидан мақсад истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизлар яратилган имкониятлар, улар эришаётган юксак муваффақиятлар, замонавий ўзбек аёли образлари ифодаланган миллий фильмларни намойиш этишдан иборат.

Бугунги аёллар нафақат иқтисодий, маданий, балки иқтисодий, саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик каби соҳаларда ҳам фаол иш юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мақоми янада юксалтириш, уларга муносиб меҳнат шароитини яратишга оид масалалар мустақамлаб қўйилган. Шунингдек, хотин-қизлар меҳнатининг қадрига эътибор қилиниши, кичик бизнес каби янги, самарали усулларини ривожлантириш, фермер хўжалиқларида аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини, меҳнат муҳофазасини қатъий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Кино ҳафталигида йигирмага яқин ҳужжатли ва бадиий фильм намойиш этилади.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

3 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

Жиззах Вилояти

СИНОВ ИРОДАНИ ЧИНИҚТИРАДИ

Республика ногиронлар жамияти қошидаги "Қадрият" ногиронлар қорхонаси имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. 2003 йил 23 октябрдан иш фаолиятини бошлаган мазкур қорхонага Янгибўй Жалолов раҳбарлик қилади. Қўлида фотоаппарати билан ҳамма ерда ҳозир нозир Янгибўй акани кўпчилик фотомухбир сифатида ҳам таниди. У бошлаган иш, тўғрироқ, ногиронлар қорхонасини очиб ҳосилнинг амалга ошириши ҳам баъзи бир тасодифлар билан боғлиқ бўлиб қолди.

Ўша йили қиш совуқ келди. Аёзли кунларнинг бирида Янгибўй ака канал ёқасидаги баландликдан йиқилиб тушди. Ҳушига келганида касалхонанинг жонлантириш бўлимида ётарди. Биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган Янгибўй ака ўша пайтдаги изтиробли кунларни, чекан азобларини кўп эслади. — Ногиронлик ҳам оғир қисмат экан, — дейди у. — Буни бошига тушган инсон яхши англайди. Ногиронлик менга қисмат бўлса-да, жоним омон қолганига шукр қиламан. Менга дағда, оёққа туришимда сунъи бўлган одамларнинг мадади билан ҳаётга қайтдим. Синовлар иродани буқолмади, аксинча, чиниқтирди. Илк бор ҳар сагага таяниб кўчага чиққан куним ногиронларга ёрдам бериш ниятини дилимга туққанман. Янгибўй ака қорхона ҳисобидан ногиронлар, кекса ота-хон ва онахонларнинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳрларига зиёратини ташкил қилди. Шунингдек, мамлакатимиздаги ногиронларнинг саломатлигини тиклашга, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга астойдил бел боғлади. Айни пайтда у ўзи яшайдиган қишлоқдаги бўш бинони қорхона ихтиёрига олиб, ногиронлар учун янги иш ўринларини яратиш ҳаракатида.

— Ўзи ногирон бўла туриб ҳаётга тийрак кўз билан боққан, ҳаётсевар кишиларнинг фаолияти менга ибрат мактаби бўлди, — дейди Янгибўй Жалолов. — Шу ўринда мен икки инсон ҳақида алоҳида тўхталгим келди. Биринчи Сирдарё вилояти ногиронлар жамияти раиси Комилжон Абдуллаев. Унинг сазъ-ҳаракати билан ногиронлар жамияти, "Ногиронлар уйи" ташкил этилди ва 100 нафардан ортиқ имконияти чекланган киши бошпанали бўлди. Яна бир замондошим Жиззах вилояти ногиронлар жамияти раиси Абдулла Қаршибоевдир. У кишининг ёши анча улуг бўлишига қарамай ҳамон сафда. Ораим ана шу ҳамкасбларим изидан бориш, улардек ногиронларнинг дардига малҳам, ўқис қўйиларига юпанч бўлиш. Менимча, инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак.

Ўз мухбиримиз

Сурғарё Вилояти

ЗИЁ МАСКАНИ 40 ЁШДА

Сирдарё вилояти Маҳсул кўзи оғирлар кутубхонасининг фаолият кўрсата бошлаганига 40 йил тўлди. Бу ерда дастлаб Республика марказий кўзи оғирлар кутубхонаси ёрдами билан "Брайл" тизимидagi "гапирувчи" китоблар ҳисобига китоб жамғармалари ташкил этилган эди.

744 та китоб жамғармасига эга кутубхонада "Брайл" тизимидagi адабиётлар 375, "гапирувчи" адабиётлар 102, яси босяма ҳарфи адабиётлар 267 нусхадан бўлиб, юзлаб китобхоналарга хизмат кўрсатиларди. Кейинчалик бу ерда овозли ўқув, радио ўқув ва турли тадбирлар йўлга қўйилди. Кутубхона учун Сирдарё вилояти ўқув-ишлаб чиқариш маъмурияти томонидан бино ажратилди. Натижада алоҳида киратхона, китоб захираларини сақлаш имкони пайдо бўлди. Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлаш ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан кўзи оғирлар кутубхонасига "вилоят кутубхонаси" мақоми берилди. Ҳозирда кутубхонанинг умумий китоб жамғармаси 15397 нусхани ташкил этиди.

Кутубхона ходимлари ёлғиз, кекса, кўзи оғир ногиронларнинг яшаб турган манзилига бориб хизмат кўрсатишди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан кутубхона жамоаси томонидан "Қишлоқ камоли — юрт истиқболи", "Барқарор тараққиёт йулида", "Ватан қишлоқдан бошланади", "Қишлоқ раванқи — мамлакат ободлиги" мавзусида туркум овозли ўқишлар, китоб кўргазмаси ва картотекалар ташкил этилмоқда.

Мухтасархон КАРИМОВА,
Маданият ва спорт ишлари вазирилик мутахассиси.



Анқижон Вилояти

АҲОЛИГА СИФАТЛИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

Анқижон вилоятида аҳоли яшаш пунктлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, қорхона ва ташкилотларда иссиқлик, электр энергияси, табиий газ ҳамда ичимлик суви таъминотидаги муаммо ва камчиликлар бартараф этилиб, ушбу тармоқлар соҳа ҳолатига келтирилди.

Асака шаҳар электр тармоқларида ўн саккиз километрга яқин ҳаво линиялари тўла таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 38 та трансформатор жорий таъмирланди, 110 та трансформатор эса қўриқдан ўтказилиб, носолиқлари бартараф қилинди. Мазкур ишларнинг барчаси қўз-қиш мавсумида аҳолини сифатли электр энергия билан таъминлаш имкониятини беради.

СУРАТДА: (чапдан) Асака шаҳар электр тармоқлари навбатчи электр-монтажчи Хурсанбек Қирғизбоев, ўртада Асака шаҳар электр тармоқлари бош муҳандиси Сайратбек Мадумаров ва навбатчи электр-монтажчи Баҳодир Баратов ўзаро суҳбатлашмоқда.

Шўхрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

Тошкент Вилояти

"АГРОБИНОКОР-М"НИНГ ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНАСИ

Янгибўй туманидаги "Агробинокор-М" фермер хўжалигининг помидор, бодринг ва ошқўқлар етиштиришга ихтисослашган янги иссиқхонаси Конституциямиз қабул қилинган кун байрамини арафасида ўзининг илк маҳсулотини истеъмолчиларга тортиқ этди.

— Пахтачилик ҳамда галлачиликдан олинаётган иқтисодий фойданинг бир қисми қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш масалаларига йўналтирилмоқда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Алишер Турғунов. — Иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиш учун хўжалик маблағлари ташқари банкдан 1 миллиард 200 миллион сўм кредит олди ва ажратилган 8 гектар майдоннинг 3 гектаридида имконият доирасида маҳсулот етиштирди. Қолган 7 гектарлик иссиқ-



Илк ҳосилнинг чўғи чакки эмас.

хонага замонавий технологияларга асосланган жид-ҳозлар ўрнатиш режалаштирилган. Дарҳақиқат, Президентимиз ва ҳукумат томонидан қишлоқларда озиқ-овқат экинлари майдонлари-

ни кенгайтириш, шу орқали ички бозорни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш борасида фермер хўжалиқлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу боис фермер хўжалиги жамоаси келгуси йили 10 гектар майдонда сабзавот экинлари етиштиришни мақсад қилган.

— Мана шу режалар асосида хўжалиқда қўшимча 40 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилади, — дейди фермер. — Айни вақтда пахтачилик ва галлачиликда 300 киши меҳнат қилади. Келгуси йилда мавҳуд 120 гектар пахта ҳамда 132,5 гектар галла майдонларидан янада кўп ва сифатли ҳосил етиштириб, эл фаровонлигига хизмат қилувчи ёрдамчи бўғинларни ташкил этишдек хайрли ниятларимиз бор.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Истиқлол йиллари Китоб туманида чорвачиликка ихтисослашган "Заковат" фермер хўжалигини ташкил этиб, уни ривожлантирди. Айни пайтда ихтиёрида 82 гектар ер, 160 бошдан ортиқ қорамолнинг бор. Шунингдек, хўжалигимизда чорва озуқалари уруғлари етиштирилади. Молларимизнинг асосий қисми "Шаъб" зотли сигирлар.

Зиммамиздаги масъулият хўжаликни ҳар томонлама тараққий эттириб, энга, юртва фойда келтириш ва бизни янада изланишга, интилишга чорлайди. Табиийки, бу жараёнда хориж тажрибасини ўрганиш, уларнинг илгор технологияларини тармоққа жорий этиш ютуқларга омил бўлади. Истиқлол бизга ана шу имкони ҳам берди. Яқиндагина чорвачилик ривожланган давлат — Исроилда бўлиб, ҳамкасбларимизнинг тажрибасини ўрганиб қайтдик. БМТ тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг чорвачиликни ривожлантириш лойиҳаси доирасида амалга оширилган ўқув жараёнларида қатнашиб, тажриба оширдик. Исроилда бир сигирдан йилгига ўртача 11 тоннадан ортиқ сўт соғиб олинади. Бу бир сигирдан олинмайдиган бир кунлик сўт миқдори ўртача 40 литр дегандир. Сўтнинг ўртача ёғлилик даражаси 3,5 фоизга етади. Бундай маҳсулдорликка эришишнинг асосий омиллари қуйидагилар экан. Аввало, чорванни ҳисобга олишнинг компьютерлашган китоби ташкил этилган. Унга мамлакатдаги 90 фоиз чорва молларнинг насли, ёши, маҳсулдорлиги, соғломлиги ҳақидаги маълумотлар киритилган. Бу билан ҳар бир бузоқнинг туғилиши, унинг наслини давлат этириш каби масалалар ҳал қилинади. Иккинчидан, наслга эътибор. Яъни, сунъий қочириб марказлари билан фермаларнинг ҳамкорлигида наслни ирсий яхшилаш муҳим аҳамият касб этди. Оддий мисол, ҳар бир

сигир мутахассис — ассимилятор назоратида бўлади. У қуйиқишга келгани аниқлангач, молнинг харитасидан қараб, қайси бўқанинг уруғдан уруғлантириш кераклигини белгилайди. Сунъий қочириб давомиди буқа насллари алмашиб кетишига йўл қўйилмайди. Сара бузоқлар наслини яратишда мамлакатдаги ва четдан келтирилган энг маҳсулдор бузоқлар танлаб олинади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда ҳам айни шу жараёнга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу борадаги амалий ҳаракатлар учун Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, дехон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, дехон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантиришни қўлайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал вази-фасини ўтаётди. Ушбу қарорлар билан сунъий қочириб пунктлари, омийта ем шохобчалари, ветеринария пунктлари ташкил этилди.

Айниқса, озуқа базасига қаратишга эътиборни олайлик. Ташкил этилган омийта ем шохобчалари орқали фермер, шахсий хўжалиқларга ем ва бошқа озуқа маҳсулотлари вақтида етказиб берилмоқда. Исроилда ҳам озуқа тайёрлашга жиддий эътибор қаратилади экан. Ўқув бошқаларида шундай жиҳатни қўзғатдик. Яъни, чорвага йил давомида ҳўл озуқа берилмас экан. Бунинг боиси аралаш еми қуруқ ҳолда бериш молларни доимо бир вазнда сақлаб туриш имконини беради экан.

Ўқув жараёнларида бир қатор фермаларда, сунъий қочириб қорхоналарида бўлди. Жумладан, бир кеча-кундузда 240 тонна сунъий қочириб ишлаш имконига эга бўлган "ТНУВА" қорхонаси сўт заводи билан танидик. Бу ерда бутун иш жараёни компьютерда

Ўзбекистон ва жаҳон

амалга оширилади. Заводада олиб келинган сўт лабораторияда таҳлил қилиниб, баҳоланади. Бу билан ўз навбатида маҳсулот сифати бўйича рақобатлашиш имкони юзага келади.

Сунъий қочириб ишлаш технологияларини ишлаб чиқарадиган "ARBEL" қорхонаси фаолияти билан танишар эканми, юртимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган "Agromilnet Expo" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни кўргазмасини нақадар хайрли бўлаётганининг исботини топдик.

Бир сўз билан айтганда, хорижлик ҳамкасбларимиз тажрибасини амалиётга татбиқ этишимиз тармоқ ривожига муҳим аҳамият касб этиши аниқ. Зеро, мамлакатимизда тармоқни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Шунингдек, тармоқ ривожига баробарида қайта ишлашни йўлга қўйиш, нафақат ички бозорни маҳсулот билан таъминлаш, балки экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради. Бу бизнинг мақсадимиз — юрт фаровонлигини юксалтириш билан ҳамохандир.

Даврон ХИДИРОВ,
Китоб туманидаги "Заковат" фермер хўжалиги раҳбари.



Гаров ҳуқуқи

Гаров ҳуқуқи қачондан бошлаб вужудга келади? Гаров тўғрисидаги шартномалар қандай ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилади?

Т.АХМЕДОВ
Навоий вилояти

Гаров ҳуқуқи шартномаси тузилган пайтдан, агар нотариал тасдиқлангани шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарса ва унинг баҳоси, моҳияти, микдори ва гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиши мuddати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида экинчилиги ҳам кўрсатилиши шарт.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак. Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқлангани шарт бўлган шартномага мувофиқ олинган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқлангани шарт.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар барчага баробар

Чет эл фуқароси билан оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида маълумот берсангиз.

Ш.ЮСУПОВА
Қибрай тумани

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар Оила кодексининг 16-моддасида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб топилади.

Саволларга Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани давлат нотариал идораси нотариуси Маъмура НИЁЗОВА жавоб берди.

Ёнгина хавфсизлиги хизмати ходимлари фуқаролар ўртасида тарбиёт ишларини олиб бориш жараёнида оловнинг инсон ҳаётини қўқоқ қилиши ҳақида оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва бунинг олдини олиш учун нималарга риоя қилиш лозимлигини тушунтириб ўтадилар.

Оқибатда чакнаш содир бўлиб, икки нафар ишчи ҳалок бўлган, 3 нафари эса тан жароҳати олган. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

ТАБИИЙ ГАЗ ОФАТГА АЙЛАНМАСИН ДЕСАНГИЗ

Шунга қарамай, табиий газдан фойдаланишда оловни назоратсиз қолдириш, уни резина шланг орқали ўзбошимчалик билан улаб олиш ва нотўғри қўллаш оқибатида кўнглисиз воқеалар содир бўляпти.

Жумладан, 2009 йил 26 октябрь кунини Ёзёвон тумани Навбахор қишлоғидаги хонадонлардан бирида газ плитасидан фойдаланиш қондасига риоя қилинмаганилиги са-

Қашқадарё Вилояти

МОДЕРНИЗАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Бу бизнинг корхонамизда ҳам тўла намоян бўлмоқда

Президентимиз Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида корхонамизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Макарон цехи учун Днепрпетровск шаҳридан 170 минг АҚШ долларига ускуналар келтирилди. Бу ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Украинанинг Могила-Подольск шаҳридан эса 30 минг АҚШ долларига ёрма минни цехи учун замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Омехта ем ва макарон цехини замонавий ускуналар билан жиҳозлашда хорижлик мутахассислар ҳам қатнашганлиги алоҳида аҳамият касб этди. Иккита цехнинг ҳар бирида 20 нафардан янги ишчи ўрни яратилди.

Айни пайтда ушбу цехлар талаб ва таклифларга биноан бир кеча-кундузда тўрт тоннадан маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ тарқиёти ва фаровонлиги йилида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида кенг кўламда иш олиб бораёلمиз. Шу туфайли 2009 йилнинг тўққиз ойида 27 миллиард 922,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Соф фойда ортиб, рентабелликда ҳам кўзланган натижага эришилди.

Корхонамиз Қарши шаҳридаги Шайхали кўрғончасида жойлашган бўлса-да, вилоятимизнинг Миришкор, Касби, Косон ва Шахрисабз туманларидаги фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз. Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкор-

лигимиз ўзининг амалдаги натижасини бериб берибди. Контракция шартномаси бўйича Краснодардан доннинг серхосил "Краснодар", "Купала", "Таня", "Крошка" навлари олиб келиниб, 180 тонна уруғ фермер хўжалиқларига тарқатилган. Донни экиш, уни парваришлаш жараёнида ҳосилотларимиз қишлоқ мулкдорлари билан ҳамфикр бўлдилар. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. 125 минг тонна дон тайёрланди. Шунинг 19 минг 600 тоннаси уруғлик дон хиссасига тўғри келади. "Таня", "Крошка", "Эсавул" каби навлардан 50-55, ҳатто 60 центнердан хирмон кўтарилди. Ўтган тўққиз ойда 62 минг 52 тонна ун, 29 минг 327 тонна омехта ем, 1703 тонна макарон, 67 тонна ёрма ишлаб чиқарилди ва етказиб берилди.

Иқтисодий тежамкорлик ҳам ишимизда бош мезон бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 258,5 миллион сўмлик электр энергияси тежалди. Бу муҳандис-техник, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигига ҳам ижобий таъсир этяпти. Тегирмон цехидан Нурали Авазов, макарон цехидан Урал Тойлоков, Баҳодир Қудратов, ёрма цехидан Раҳим Йўлдошевлар ўз ишига масъулият билан ёндашиб, унмудорликни таъминлаш билан бирга сифат кўрсаткичларида ҳам муайян ютуқларга эришмоқдалар. Шунингдек, чилангар Ойбек Худоев, механик Холиёр Раҳматов, ишчилардан Шокир Тонготаров, Азамат Отақулов, нурчи Эгамберди Отақулов ўз зиммаларидаги топшириқни бекаму кўст бажаришга эришмоқдалар. Бунга ходимларнинг билим ва малакасини ошириш, тажрибаларни кенг оммалаштириш туфайли муваффақ бўляёلمиз. 58 нафар муҳандис-техник ходим "Ўздонмаҳсулот" компаниясининг малака ошириш курсларида ўқиб қайтишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика иқтисодий тармоқларини 2009-2010 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш

ушбу тадбирлар ишлаб чиқилиб, ишчи комиссия томонидан унинг бажарилиши қатъий назоратга олинди. Унга биноан тўртта маиший иситиш қозонхонаси, нон пишириш печлари сифатли таъмирланди. 2,5 километрлик иситиш, сув узатиш қувурлари мавсумга тахт қилинди. Шунингдек, тегирмон цехида 52 миллион сўмлик, элеватор, омехта ем цехида 77 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Газ тақсимлаш шохобчаси, компрессор станцияси техник кўриқдан ўтказилди. Электр энергияси билан таъминловчи ички ва ташқи кабель линиялари сифатли таъмирланди. Электр хўжалигидаги махсус лабораторияни кўриқдан ўтказиш учун 19 миллион сўм сарфланди, 2 та тепловоз, 16 та автотранспорт воситалари ҳам сифатли таъмирдан чиқарилди. Ёпиқ симида 20 минг тонна дон ташиб киритилди. Бир сўз билан айтганда, корхонамизнинг қузиқ-қиш даврида барқарор ишлаши учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Буларнинг барчаси келгусида ҳам самарали фаолият кўрсатишимизга замин бўлади.

Ўқиб АҚБАРОВ, Қарши шаҳридаги "Дунё-М" ОХЖ раиси вазифасини бажарувчи.

Самарқанд Вилояти

ПАХТАЧИЛИК МЕБЕЛСОЗЛАР

Пахтачи туманининг Сулув кўрғонида мебель фабрикаси иш бошлади.

"Стеклопластик" масъулияти чекланган жамияти мазкур фабрикани турли хилдаги асбоб ускуналар ва хомашё билан таъминламоқда. Пахтачилик мебелсозлар миқозларнинг талаблари бўйича турли кўринишдаги мебеллар тайёрлаб бермоқда. Бу юртмаларнинг асосий қисминин келин-куёв ётоқхона жамламалари ҳамда ошхона мебеллари ташкил этаётир.

Айни пайтда бу ерда 20 киши иш билан таъминланди.

Тоҳир НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ишчилар Шухрат Эшқулов ва Умид Тўхтаев иш пайтида. «Харидорлар кутиб қолмасин».



«Шуниси уйимизга мос экан, ўғлим».

бабли ёнгина содир бўлган. Натижада уй эгаси қуйиш тан жароҳатини олган. Ёки 4 ноябрь кунини Жиззах шаҳридаги

Эҳтиёт-шарт!

Кимёгар маҳалласида жойлашган аҳолига газ сотиш ва тўлдириб шохобчаси ҳудудида газ сақлаш сиймиларига автоуловдан газни бўшатиб жараёнида техника хавфсизлиги қондаси бузилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, аксарият ёнгиналар аҳоли турар-жойларида содир бўлмоқда. Оқибатда йиллар давомидаги мөҳнат эвазига қурилган уй-жойлар, мол-мулк санокли дақиқалар ичида қулга айланмоқда. Ваҳоланки, оловни бошқариш, ундан тўғри фойдаланиш ўз қўлимизда. Даврон ҚАМБАРОВ, УЭР ИИВ ЕХББ қатта муҳандиси, майор.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ Volkswagen PASSAT 2009 йил ишлаб чиқарилган. Диллингга солиб олиш мумкин. Тўлов шакли - пул ўтказини йўли билан. Тел.: (+99871) 140-00-62, (+99890) 317-67-97

Қорақалпоғистон Республикаси

Куйи Амурдариёнинг чап соҳилида жойлашган Хўжайли туманида санот соҳасида қатор ютуқларга эришилди. Бу борада кичик корхоналарнинг роли катта бўляпти.

Ўзингдан чиққанига нима етсин

Ана шундайлардан бири — "Ремонт-механика заводи" масъулияти чекланган жамиятидир. Илгор корхонада қишлоқ хўжалик соҳалари учун 20 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Шунингдек, бу ерда ирригация тармоқлари учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Махсус бригадалар эса Амурдариё узра қурилган "Нукус-Қирчоқ" кўпригини капитал реконструкция қилишда фаол қатнашди. Мазкур вазибаларни адо этишда 25 миллион сўмлик ишлар адо этилди.

Айни пайтда кичик корхонадаги юмушлар суръати бир зум ҳам пасаймасдан, бу юртмаларга сифатли хизмат кўрсатилаётир.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



"НЕВСКИЙ ЭКСПРЕСС" ЯНА ТЕРРОРЧИЛАРГА НИШОН БЎЛДИ

Россия Федерациясининг икки энг йирик шаҳарлари — Москва ва Санкт-Петербург ўртасида қатновчи "Невский экспресс" йўловчи поезди портлатилиши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 26 нафарга етди. 30 ноябрь кунини тарқатилган хабарларда икки нафар йўловчининг воқеа содир бўлгандан кейинги тақдирини номаълум экани айtilган. Бунгача бундайлар сони 12 та эди.



Хозирда террористик хуруж оқибати деб қаралаётган ушбу аянчли воқеа 27 ноябрь кунини Москва вақти билан кеч соат 21:30 да Болонго деган ўрмонзор жойида рўй берди.

Поезд остида тротилл ҳисобига етти килограммга тенг пластик портловчи модда ҳаракатга келтирилган, поезд таркибидagi урта вагон рельсдан чиқиб, ағдарилб кетди. Иш ҳафтасининг якуни бўлгани учун поездда йўловчи кўп бўлиб, хизмат ходимларини қўшиб ҳисоблаганда жами 682 нафар киши бўлган. Россия ички ишлар вазирлиги Рашид Нургалиев тезкор суриштирув-тергов ишлари натижаси ўлароқ, террористик хуружини содир этган шахс фотороботи тайёрлангани, у ёши қирқлар атрофидаги оқ-сарикдан келган киши эканини маълум қилди.

Бундан икки йил муқаддам, яъни 2007 йилнинг август ойида ҳам "Невский экспресс" террорчиларнинг хуружига йўлққан, ушанда поезднинг қарийб 12 вағони издан чиққан ва воқеа оқибатида 60 киши ҳаётдан қўз юрган эди. Бу воқеа бўйича икки йил давом этган суриштирув-тергов ишлари якунида юқоридagi воқеа юз беришдан икки кун олдин бўлиб ўтган суд мажлисида айбланувчилардан бири ўз айбини тан олган эди.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОНЛАР ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Америкалик икки сенатор — демократ Эван Бей ва республикачи Жон Кайл 24 ноябрь кунини мамлакат президенти Барак Обама маъмурияти томонидан Ҳиндистон бош вазирлиги шарафига Оқ уйда ташкил қилинган тантанали тушлик маросимида махсус таклифномасиз қатнашишга муваффақ бўлган америкалик эр-хотин Мишель ва Тарика Салахиларнинг жинсий жавобгарликка тортилишини талаб қилмоқда.



Сенаторлар "Бу воқеага кўпчилик қўлигина қўя қолди. Аслида эса бу иккиннинг тантанали маросимда президентнинг ёнида туриши мутлақ ноқонувиёр ва бу воқеа федерал суд томонидан тегишли қонунлар асосида қўриб чиқилиши шарт", дея таъкидлашмоқда. Хозирда бу воқеа юзасидан суриштирув ишлари АҚШ махфий хизмати зиммасига юкланган. Ўтган шанба кунини чақирилмаган меҳмонлар махфий хизмат ходимлари томонидан сўроққа тутилган. Бирок уларнинг қай тарзда Оқ уй хавфсизлик хизмати тизимини "ёриб" ўтишга муваффақ бўлишгани ханузгача маълум қилинган йўқ. Бу ҳақда махфий хизмат ходимлари билишса керак, албатта. Лекин бу ҳақда оммага ҳеч нарса айтилмапти. Шов-шув қилишга жуда уста бўлган оммавий ахборот воситалари ҳам деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Хусусан, президентнинг бу воқеага қандай муносабат билдиргани ҳам номаълум. Бу воқеа Оқ уй соҳибларининг хавфсизлигини таъминлаш ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатади, деган савол кўпчиликни қийнапти. Баъзилар эса бу махсус уюштирилган томоша бўлиши ҳам мумкин, деб ҳисобламоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ООО "TASHKENT INVESTORS GROUP" (ИНН 300998884) Чиланзарского р-на г.Ташкента соошсаёт об умьеншени Устаного фонда с 10 000 000 сум до 4 000 000 сум. Тел.: 216-50-47.

Утеринное свидетельство номер реестра 09-000680, выданный Шайхантахурским хокимиятом г.Ташкента от 21.04.2003 г., Центральной технологической и диспетчерской службе Минсельхозхоза РУз, считать недействительным.

ООО "DELTA AIR SERVICE" (ИНН 300859354), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Мирабадского р-на г.Ташкента за № 003284 от 10.06.2008 г., расположенное по адресу: г.Ташкент Мирабадский р-н ул.Афросиба 29-4, ликвидируется (решение собственника № 2 от 30.11.2009 г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 154-28-84.

Пайвандлаш агрегатлари, трансформаторларини сотиб оламиз. "Ўзгеобургу нефтгаз" АҚ "Минора қуриш экспедицияси" ОАЖ АДД-4004 МУ1 бир постли пайвандлаш агрегатидан 10 дона, ТДМ-У2 402 пайвандлаш трансформаторидан 10 дона харид қилади. Манзил: Қарши шаҳар, Шайхали кўрғони, Қарши-Косон шоссесининг 3-километри. Телефакс: 8-375-221-18-79; 775-91-58 (уяли).

Chevrolet NIVA Ҳақиқий автомобилнинг янги кўриниши. Буюртма асосида. Расмий дилери: "SANA" ХК Тошкент ш. У.Носир к. (мулжал - Жанубий вокзал, кичик халқа йўли) тел.: (+99871)140-00-61, (+99890)317-67-97, 325-88-87

Туғилган жойини кўнсаган бия

Фермер Ражаб амаки зийрак ва ақлли жониворларни хуш кўради. Шу бонс бўлса керакки, болаликдан от парвариши билан машғул бўлиб келади. Отлар ҳайвонот оламининг ноёб мавжудоти бўлиб, тоғ йўлларида юк ташинишда одамлар корига ярайди. Отаси "Кўй парвариши ҳайвоноти, йилқи парвариши бойловда", деган нақли тез-тез такрорлаб турарди. У от эрини тунгача ўзининг, кейин эгасининг ризқини тилайди, деган ҳикмат мағзини чақшига нитиларди. Ҳовлиснинг бир чеккасидаги бостирмада кечаю кундуз куймаланиб юрарди.



Бир кун уюрни четлаб юрган бую байтал гунони билан гойиб бўлганлиги ҳақидаги нохуш хабар уни сергакландирди ва тевликда улар ортинда боришига шошилди. Фермер кўп ерларни кезди. Бир неча кишлоқларда бўлиб, одамлар билан учрашди, йўқолган йилқиларни сўраб-суриштирди. Лекин улардан дарак бўлавермади. Унинг барча елиб-югуришлари зое кетди. Чорпогча қайтган, чароғини ёзиш учун бироз хордиқ чиқарди. У йўқолган йилқиларни кимдан сотиб олганини эспломас-да, от эгасининг қўйиш тоғлари оралмидаги кишлоқларнинг бирдан эканлигини унутмаганди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, фермер бозорга йўл олди ва бўлган воқеани одамларга сўзлаб берди. Буни қарангли, танишлардан бири йилқилар Ингичка кишлогига борганлигини гапириб қолди. Шунда Ражаб амаки севингандан фурсатини ўтказмай от жиловини тал уюрга ҳадеганда ўргана-вермас, безовталаниб кишнар, депинар ва тўддан четроқда юрадиган одат чиқарди. Бу хол жамоа аъзоларини анча бесаржамо қилиб қўйди.

Бир кун уюрни четлаб юрган бую байтал гунони билан гойиб бўлганлиги ҳақидаги нохуш хабар уни сергакландирди ва тевликда улар ортинда боришига шошилди. Фермер кўп ерларни кезди. Бир неча кишлоқларда бўлиб, одамлар билан учрашди, йўқолган йилқиларни сўраб-суриштирди. Лекин улардан дарак бўлавермади. Унинг барча елиб-югуришлари зое кетди. Чорпогча қайтган, чароғини ёзиш учун бироз хордиқ чиқарди. У йўқолган йилқиларни кимдан сотиб олганини эспломас-да, от эгасининг қўйиш тоғлари оралмидаги кишлоқларнинг бирдан эканлигини унутмаганди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, фермер бозорга йўл олди ва бўлган воқеани одамларга сўзлаб берди. Буни қарангли, танишлардан бири йилқилар Ингичка кишлогига борганлигини гапириб қолди. Шунда Ражаб амаки севингандан фурсатини ўтказмай от жиловини тал уюрга ҳадеганда ўргана-вермас, безовталаниб кишнар, депинар ва тўддан четроқда юрадиган одат чиқарди. Бу хол жамоа аъзоларини анча бесаржамо қилиб қўйди.

жарликка яқинлашганларида бироз ювбош тортишди. Улар орасидаги бую байталнинг буйнига нўхта солинганда Ражаб амаки хурсанд бўлиб, гоҳ йилқилар ҳам ўсиб-ўлағиб воғга етган макони ва яйловини кўнсаб қолишдан хайратга тушди.

Хайрлашув чоғида мезбон Ражаб амакига ўтган кузда ойкунни яқин чипор биянинг бу ерга келиб қолганини гапириб қолди. Фермер кўз ўнгиде эса Турди мўйлов гавдаланди. Бечора биясини излаб оёғи тўзганди.

Бия — топиб беради туй, деган нақл бор. Буни қарангли, жонивор бегона уюрга қулунлабди. Хушхабар бир зумда Тугли кишлогига тарқалди. Турди мўйлов оёғи олти бўлиб эртаси кунлик осмонлар ба-ланд тоғ эстагидаги уйча атрофида йилиб юрган уюрга етиб борди. У хурсанд бўлганидан терисига сиғмай, суюнчисига гунони қолдириб, бияси билан ортига қайтаркан, беихтиёр дунёда дивнатли ва оқибатли одамларнинг қўпчилигига имон келтириб, Аллоҳга шукроналар айтди.

Мавсум алмашинуви бошлангич, қаттиқ совуқ туша бошлади. Тоғ чўққилари ва беповён яйловлар қор билан қопланди. Аччиқ совуқ йилқиларга писанд эмас. Уларга егулик озуқа етарилиб бўлса бас.

Энг кизиги, қўйиш дарасидан қайтариб хайлаб келинган бую байтал уюрга тамоман ўрганиб кетди. Энди ҳамма гал жониворларни ўраб турган атроф-муҳит ва йилқиларнинг меҳр билан парвариши қилишида қолган. Буни кўрган фермер Ражаб амаки кекса йилқибокларнинг биялар кавс сувини инчаг, туғилган, уним-усган яйловларини кўнсаб қолиши ҳақидаги гапларини эсга олиб, уларнинг нечоғлик ҳақ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Абдулла САИДОВ
Жиззах вилояти



СПОРТ

ИСПАНИЯ "КЛАССИКО"СИДА "БАРСА" ГАЛАБА ҚОЗОНДИ

ФУТБОЛ

Ўтган яқинба кун футбол бўйича Испания чемпионатининг 12-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Турнинг марказий ўйини "Ноу Камп" стадионида Каталониянинг "Барселона" ва Мадриднинг "Реал" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Азалий рақиб бўлиш ушбу икки жамоанинг ўзаро учрашувлари жамоа таркиби ҳолати ва турнир жадалларида нечанчи поғонани эгаллаб туришидан катти назар доимо кескин ва мурасасиз руҳда ўтиши барчамизга маълум.

Ўтган йилги мавсумда "Реал" жамоа таркиби ва ўйини борасида "Барса"дан кучсизлиги кўп бор таъкидланган ва кутилгандек иккала учрашувда ҳам "Барса" "Реал"дан устун келган эди. Жорий йилги мавсумда "Реал" таркиби Карим Бензема, Кака, Криштиану Роналду каби юлдуз футболчилар билан тўлариди. Натихада, "Реал"нинг ўйини барқарорлаштиб, турнир жадаллари етакчисига айланди. 12-турдан аввал "Барса" турнир жадалларида етакчилик қилаётган "Реал"дан бир очко ортада қолётгани. Бу эса "Классико"нинг аҳамиятини янада оширди.

Ўйин кутилганидек қизиқарли кечди. "Галатикос" жамоаси меҳмонда тўп сураётган бўлишига қарамадан ҳужумкор ўйин намойиш этди. Криштиану Роналду ва Кака ушбу ҳужумларнинг асосий ташкилотчилари бўлишди. Учрашувда ягона голни "Барселона" 56-дақиқада захирадан майдонга тушган Златан Иброҳимовичнинг зарбасидан сўнг киритишга муваффақ бўлди. Бир неча дақиқадан сўнг эса Серхи Бускетс иккинчи сариқ карточкани олиб, майдонни тарқ этди. "Барселона" ўйини 10 киши бўлиб давом эттирган бўлишига қарамадан ҳисобни сақлаб қолди. Ўйин тугашига сақлаб қолганда Лассана Диаррага ҳам қизил карточка кўрсатилиб, майдонни тарқ этди ва икки жамоа ўйинчилари сони тенглашди.

"Барса" кичик ҳисобда галаба қозонган бўлса-да, ўйинда устунликка эришгани йўқ. Бу "Сантьяго Бернабео"да кечадиган "Классико"нинг иккинчи қисми жуда ҳам қизиқарли кечишдан дарак беради.



Унинг кутилганидек қизиқарли кечди. "Галатикос" жамоаси меҳмонда тўп сураётган бўлишига қарамадан ҳужумкор ўйин намойиш этди. Криштиану Роналду ва Кака ушбу ҳужумларнинг асосий ташкилотчилари бўлишди. Учрашувда ягона голни "Барселона" 56-дақиқада захирадан майдонга тушган Златан Иброҳимовичнинг зарбасидан сўнг киритишга муваффақ бўлди. Бир неча дақиқадан сўнг эса Серхи Бускетс иккинчи сариқ карточкани олиб, майдонни тарқ этди. "Барселона" ўйини 10 киши бўлиб давом эттирган бўлишига қарамадан ҳисобни сақлаб қолди. Ўйин тугашига сақлаб қолганда Лассана Диаррага ҳам қизил карточка кўрсатилиб, майдонни тарқ этди ва икки жамоа ўйинчилари сони тенглашди.

"Барса" кичик ҳисобда галаба қозонган бўлса-да, ўйинда устунликка эришгани йўқ. Бу "Сантьяго Бернабео"да кечадиган "Классико"нинг иккинчи қисми жуда ҳам қизиқарли кечишдан дарак беради.

Қорақалпоғистон Республикаси иккиламчи қора металл шўъба корхонаси жамоаси



Ўз касбдорларини, халқорларини, барча Ўзбекистон халқини 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун билан кўнлайди.

Мамлакатимизда Қишлоқ тарихий ва фаровонлиги йилдаги сингаги фаровонлик ва тўққонлик барқарор бўлсин. Илоҳ юртимиздаги тинчлик, хотиржамликка кўз тегмасин.

Тадбиркорлар, фермерлар ДИҚҚАТИГА!

Омихта ем сотилади

"Тошкентдонмахсулотлари" корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли омихта ем — орашав озуқа махсулотлари чорвачилик, паррандачилик ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда аҳолига нақд пул ва маблағ кўчириш йўли билан чекланмаган миқдорда сотилади.



МАНЗИЛ: Тошкент ш., Хамза тумани, Пахлавон Махмуд 2-тор кўчаси, 33-уй.
Тел.: 289-62-03, 289-60-60, 289-60-91

ООО "TIRACH BETON EXTRA" (ИНН 300967670), регистрированине отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хохимията Чилан-зароқко 9-нч с.Ташкент, располженение по адресу: Чиланзароқко 220-46-14, лицензия-рулетка (протокол собрания № 1 от 29 ноября 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 216-36-38, 443-89-49.

ВНИМАНИЕ! ВСЕХ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ, НЕЗАВИСИМО ОТ ФОРМ СОБСТВЕННОСТИ

Инжиниринговая компания служба единого заказчика Ташоблокимията объявляет конкурсные торги по объектам

Лот 1-1: Капитальная реконструкция Областной детской многопрофильной больницы на базе детской больницы в г.Чирчике Ташкентской области. Стартовая стоимость заказа составляет 720 000 000 сум с НДС; без НДС — 617 142 857 сум.

Срок окончания капитально-го реконструкции — 6 месяцев.

Лот 1-2: Капитальная реконструкция Областной экстренной помощи в г.Чирчике Ташкентской области. Стартовая стоимость заказа составляет 467 700 000 сум с НДС; без НДС — 400 885 714 сум.

Срок окончания капитально-го реконструкции — 6 месяцев.

Лот 1-3: Капитальная реконструкция акушерский комплекс в Ташкентском районе Ташкентской области. Стартовая стоимость заказа составляет 950 000 000 сум с НДС; без НДС — 814 285 714 сум.

Срок окончания капитально-го реконструкции — 6 месяцев.

Лот 2-1: Капитальная реконструкция городского ЦГЭСН в г.Чирчике Ташкентской области. Стартовая стоимость заказа составляет 320 000 000 сум с НДС; без НДС — 274 285 714 сум.

Срок окончания капитально-го реконструкции — 6 месяцев.

Лот 2-2: Капитальная реконструкция Областной инфекционной больницы на базе инфекционной больницы в г.Чирчике Ташкентской области. Стартовая стоимость заказа составляет 720 000 000 сум с НДС; без НДС — 617 142 857 сум.

Срок окончания капитально-го реконструкции — 6 месяцев.

Лот 2-3: Капитальная реконструкция Областной инфекционной больницы на базе инфекционной больницы в г.Чирчике Ташкентской области. Стартовая стоимость заказа составляет 720 000 000 сум с НДС; без НДС — 617 142 857 сум.

Срок окончания капитально-го реконструкции — 6 месяцев.

Финансирование осуществляется за счет Госбюджета.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства, в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг); обладать опытом работ на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданская правоспособность и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах ответственных и зарученных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для ответственных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной по-

ШАЦКИХ ҚОЗОФИСТОНДА ЭНГ ҚИММАТБАҲО ҲАМ ҲАМ

Қозирда Қозоғистоннинг "Локомотив" клуби футболчиласи бўлиш ўзбекистон терма жамоасининг собиқ аъзоси Максим Шацких 1 млн. АҚШ долларига баҳолади ва Қозоғистон футбол лигасининг энг қиммат ўйинчиси бўлди.

2008 йил ёзда "Динамо" (Киев) томонидан трансферга қўйилган Максим Шацкихнинг баҳоси 5 млн. АҚШ доллари этиб белгиланган эди. Ушунда ушбу футболчининг харид қилиш истагини фақатгина Россиянинг "Крылья Советов" жамоасига билдирган ва 3 млн. АҚШ доллари тақлим қилган. Жорий йил ёзда Шацких эркин агентга айланди ва "текин"га Қозоғистоннинг "Локомотив"га бориб қўшилди. Таъкидлаш жоизки, бу борада Макс Россиянинг яқин ўтмишдаги машҳур футболчилари Андрей Тихонов (450 минг АҚШ доллари) ва Егор Титов (350 минг АҚШ доллари)ни орта қолдирган.

ДАВИДЕНКО ЯКУНЛОВЧИ ТУРНИР ФОЛИБИ



Англия пойтахти Лондонда соврин жамоароси 5 млн. АҚШ долларини ташкил этган ATP World Tour Finals яқунловчи турнири бўлиб ўтди.

Финалда россиялик теннисчи Николае Давиденко аргентиналик теннисчи Хуан-Мартин дель Потро устидан 6:3, 6:4 ҳисобида устун келди ва йилнинг яқунловчи турнирида голиб чиқиб, 1,5 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги совринга эга бўлди. Давиденко мусобақа давомида жаҳоннинг биринчи ва иккинчи ракеткалари швейцариялик Роджер Федерер ва испаниялик Рафаел Надальни мағлуб этгани эътиборга лойиқ.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Тошкент ш. Миробод т.даги "ZUL KADASTR PLYUS SERVIS" (ОКПО бўйича код 22919212, ИНН 301273941) МЧЖ таъсисчиларининг 30 ноябрь 2009 й.даги йилги йиллик қарорига (байномма № 2) асосан тугатилди. Даволаб эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида ҳабул қилинади.

"SAN'AT-MANO" МЧЖга Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси томонидан 17 апрель 1998 йили берилган № 028634 рақамли гувоҳнома ва фирманинг номи турисидида гувоҳнома йўқолиши сабабли бекор қилинди. Тел.: 126-79-81, 279-79-81.

Тошкент ш. Яқинба кун т. турар жой бинолари ва кадастр хизмати томонидан У.Насир кўч. 35-а' уй 17-қоғдада яқинчи Хасабилло Аббари Ромин номига берилган уй план ҳужжатлари йўқолиши сабабли бекор қилинди.

Электротехника тибийт техникуми томонидан 2002 йили Азимова Зулумор Ходжимуратова номига берилган Т № 058580 рақамли диплом йўқолиши сабабли бекор қилинди.

"Племэлит" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси институт илмий ходими, институт хўжалиги фанлари номзоди

Шухрат БҮРИБОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

<p>Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҮРИБОВ, Гулможон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмамун САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахман БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУВ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВЕВ, Зайнабддин ОБИДОВ, Хакимжон УМАРҲУЖАЕВ.</p>	<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Алтай АДИЛОВ, Гофур АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шухрат ГАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Утпор РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманайя ЖАББОРОВА, Хайбат ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омигулла ЮНУСОВ, Шерафддин ГУЛОМОВ, Муроддин АБДУСАМАТОВ (масули қолиб).</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибхона — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДАУДАЛАРГА МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-69; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 586-06-59; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарь — 221-59-40; Бухородаф — 392-50-42.</p>	<p>Реклама ва эълонлар — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буртмачи хавоабар</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй E-mail: info@qishloqhayoti.uz</p>	<p>Навбатчи: Р.СУЯРОВ Мусаххач: С.ҚОДИРОВ Дизайнер: М.ШУКУРОВ</p>
---------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------